

АБУЛ ЮСР ПАЗДАВИЙНИНГ “УСУЛ АД-ДИН” АСАРИДА МОТУРИДИЙЛИКНИНГ МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ МАСАЛАЛАРИ БАЁНИ

*Шовкатов Шокир Шовкат ўгли, Диний-маърифий соҳада
малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти катта
ўқитувчиси*

A DESCRIPTION OF THE SPIRITUAL AND MORAL ISSUES OF MOTURIDISM IN THE WORK OF ABUL YUSR PAZDAVI “USUL AD-DIN”

*Shovkatov Shokir Shovkat ugli, Senior Teacher of the
Institute of Advanced Training and Retraining in the Religious and
Enlightenment Sphere*

ОПИСАНИЕ ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННЫХ ПРОБЛЕМ МОТУРИДИЗМА В ПРОИЗВЕДЕНИИ АБУЛ ЮСРА ПАЗДАВИ “УСУЛ АД-ДИН”

*Шовкатов Шокир Шовкат оглы, старший преподаватель
Института повышения квалификации и переподготовки
кадров в религиозно-просветительской сфере*



<https://orcid.org/0009-0002-8476-7040>

e-mail:
shokirshovkatogli1976@gmail.com

Аннотация: Ушбу тадқиқот ишида Абул Юср Паздавийнинг “Усул ад-Дин” асарида Мотуридий ақидавий мактабининг маънавий-ахлоқий қарашлари таҳлил қилинади. Асарда эътиқодий масалаларнинг инсон маънавий камолоти билан боғлиқ жиҳатлари, хусусан, ироданинг эркинлиги, масъулият, тақво, адолат ва ахлоқий фазилятларнинг манбалари каби масалалар ёритилади. Паздавийнинг қарашлари Мотуридийликнинг классик талқинларини давом эттирган ҳолда, исломий ахлоқнинг фалсафий асосларини чуқур шарҳлаши билан аҳамиятлидир. Тадқиқот ушбу асар орқали Мотуридийликда ахлоқнинг ўрни, имон-амал муносабати ҳамда инсоннинг маънавий покланиши ҳақидаги гояларни очиб беради.

Калит сўзлар: Абул Юср Паздавий, Усул ад-Дин, мотуридийлик, ақида, маънавият, ахлоқ, имон, амал, ироданинг эркинлиги, масъулият, исломий фалсафа, калом, этик қарашлар.

Annotation: This study analyzes the moral-ethical views of the Maturidi theological school as presented in Abul Yusr Pazdavi's work Usul ad-Din. The work highlights aspects of doctrinal issues related to human spiritual perfection, particularly topics such as free will, responsibility, piety, justice, and the sources of moral virtues. Pazdavi's views are significant for their deep explanation of the philosophical foundations of Islamic ethics, while continuing the classical interpretations of Maturidism. Through this work, the study reveals the place of ethics in Maturidism, the relationship between faith and action, and ideas concerning the spiritual purification of the human being.

Keywords: Abul Yusr Pazdavi, Usul ad-Din, Maturidism, creed, spirituality, ethics, faith, action, free will, responsibility, Islamic philosophy, kalam, ethical views.

Аннотация: В данном исследовании анализируются духовно-нравственные взгляды матуридийской богословской школы, представленные в труде Абу-ль-Юсра Паздави “Усуль ад-дин”. В произведении раскрываются аспекты вероучительных вопросов, связанные с духовным совершенствованием человека, в частности такие темы, как свобода воли, ответственность,

богобоязненность, справедливость и источники нравственных добродетелей. Взгляды Паздави важны тем, что продолжая классические интерпретации матуридизма, они дают глубокое философское объяснение основ исламской этики. Исследование через данный труд раскрывает место этики в матуридизме, соотношение веры и деяния, а также идеи, связанные с духовным очищением человека.

Ключевые слова: Абу-ль-Юср Паздавий, “Усуль ад-дин”, матуридизм, акида, духовность, этика, вера, деяние, свобода воли, ответственность, исламская философия, калам, этические взгляды.

Кириш. Абул-Юср Паздавий “Усул ад-дин” асарининг охирида, илоҳиёт соҳасига оид, ўзи яшаган даврдаги илмий-ижтимоий муҳит ҳақида бир қанча маълумотларни келтириб, жумладан шундай дейди. “Калом илми ўта чуқур илмлардан бири ҳисобланиб, олимлар мазкур соҳада анча самарали меҳнат қилиб, жуда кўп асарлар таълиф қилганлар. Шунингдек, калом илмига оид маъноларни таҳқиқ қилиб, унинг асосларини дақиқ нукталаригача ўрганганлар, шу туфайли уларнинг таълифотлари узайиб кетган. Албатта уларнинг мақсади, “Аҳли сунна вал жамоа” мазҳабини қўллаб қувватлаш, бунинг натижасида ўзлари яшаган ўлкада бидъат аҳллари пайдо бўлмаслигига эришишдан иборат бўлган. Бу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш ўринлики, айрим тушунчаси паст одамлар мазҳаб далилларини англаб етишда қийинчиликларга учраб, бидъат ва хурофотларга воқеъ бўлиб қолмасликлари учун ҳам улар ёзган асарлар узайиб кетган бўлиши мумкин. Лекин натижа улар кутгандек эмас, балки бошқача томонга ўзгариб кетди. Яъни одамлар калом илмига атаб ёзилган узундан узун асарларни ўқишдан малолланиб қолдилар ва бу илмни ўрганмай қўя бошладилар. Мен бу китобимда калом илмига оид жуда ҳам оз маълумотларни баён қилдим. Бунга сабаб, юқорида айтилганидек бизнинг диёрларда истикомат қиладиган аҳолининг аксар қисми бу илмдан юз ўгирган. Улар кўпинча фикҳ илми билан шуғулланишни афзал кўрадилар. Калом илми билан шуғулланадиганларни тан олмайдилар, бундай одамларга нисбатан жиддий қарамайдилар, балки енгил қараб, уларни тарқ қиладилар. Мазкур омиллар сабабли бу диёрларда илоҳиёт илми жуда кам

тарқалган. Мен бу илмни шунчалар чуқур ўргандимки, ҳеч бир киши менингдек бу илмнинг тубига ета олмаса керак деб ўйлайман. Борди-ю, бу илмда бидъатга берилиб кетган тоифаларнинг барчаси жам бўлиб мен билан баҳс-мунозарага киришсалар ҳам, Аллоҳнинг тавфиқи ила уларнинг барчаси устидан ғалаба қозона оламан. Бундан ташқари, мен Абул-Ҳасан Ашъарийнинг энг яқин шогирдларидан қанчадан-қанчасини “таквин” ва “мукавван” масаласида мулзам қилиб қўйганман. Уларнинг қўлидан фақатгина хайратланишгина келган холос”.

Адабиётлар таҳлили. Олмон шарқшуноси Ульрих Рудольфнинг ислом тарихидаги улуғ алломалардан бири Абу Мансур Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти мактабига бағишланган “Ал-Мотурудий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти” китобида Абул-Юср Паздавийнинг “Усул ад-дин” асарини ўрганиб чиққани ва таҳлил қилганини айтиб ўтади. У Рудольфнинг мазкур китобида бу ҳақдаги мулоҳазаларини баён қилувчи қуйдагича жумлалар келтирилади: “Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, баён усули Паздавийнинг араб тили форс тили таъсири остида бўлганлигини кўрсатади. Масалан قليل انغلاق арабчада аслида “қоронғулик йўқ” деган маънони билдиради. Бу ерда эса аксинча у “бироз қоронғулик бор” маъносида ишлатилган”. Бу ерда Ульрих Рудольф Абул-Юср Паздавийни араб тилини мукаммал билмаганликда айбламоқда. Бунинг учун эса у “инғилоқ” сўзи араб тилида мавжуд эмаслигини, Паздавий уни форс тилидан ўзлаштириб олганини далил қилиб келтирмоқда. Лекин арабча луғат китоблари билан танишадиган

бўлсак мазкур айбловнинг ноўрин эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Унинг таъкидлашича, Абул-Юср Паздавийнинг қолдирган гувоҳлиги ўзининг маъно ва ифодаларининг анча аниқлиги билан диққатга сазовор эканлигини ва у ўз шахсий илоҳиёт анъанасини ёрқин англаганлиги билан ажралиб туради. Паздавий ўз назариясини нафақат бидъатлардан, балки ўз номига эга бўлган бошқа мактаблардан ҳам алоҳида ажратишни истар эди. Бундай ёндашув ўз мақсадларига биноан танланган нуфузли олимларга очик ва тўғридан тўғри тан беришни талаб қилар эди. Шу боис Паздавий ўз китобида уларнинг айрим фикрларини сўзма-сўз келтирган. Бу айниқса “Китобул-олим вал-мутааллим”га нисбатан очик кўринади. У ушбу асарни шахсан мутолаа қилганини айтиб, бунининг қатор иқтибослар билан тасдиқлайди.

“Китоб ал-олим вал-мутааллим”ни Паздавий “Усул”да тилга олади, сўнг Абу Муқотилдан сўзма-сўз олинган бир парча, матндан тушиб қолган жойи бор иккинчи парча ҳам Абу Муқотил қаламига мансуб. Паздавий келтирган навбатдаги икки иқтибос оқибатида, аксинча анча муаммоли ҳолат пайдо бўлган: “Усул ад-дин”да Абу Ҳанифанинг “ал-Фикҳ ал-акбар”идан иқтибос олмоқчи бўлган, лекин бу иқтибос эканини тегишли матнларнинг сўзма-сўз ўхшашлигидан эмас, балки мазмунан яқинлигидан билиб олиш мумкин ҳолос. Бу ўринда “Китобул-олим вал-мутааллим” билан, сўзма-сўз бўлмаса-да, умумий ёндошликни кўриш мумкин. “Усул ад-дин”да “Китоб ал-олим вал-мутааллим”дан яна бир иқтибос мавжуд. Бироқ энди бу матнда гарчи тилга олинган мавзу ҳақида гап борса-да иқтибос етишмайди.

Тадқиқот муҳокамаси. Мотуридия таълимотининг ривожланишида улкан хизмат кўрсатган аллома Паздавийнинг ушбу асарларидан ўрин олган барча масалаларнинг тавсифий таҳлилини келтириш орқали “Усул ад-дин” асарида Мотуридия таълимотининг акс этиши ҳақида муайян тушунча ва маълумотлар ҳосил қилиш мумкин.

“Усул ад-дин”даги дастлабки масала калом илмини ўрганиш ва ўргатиш ҳамда бу борада китоб тасниф қилиш ҳақидадир. Мазкур ишларнинг жоизлиги борасида муътазилий, ашъарий ва мутакаллим олимлар иттифокдирлар. Абу Ҳанифа ҳам бу илмни ўрганган, бидъат аҳллари билан мунозаралар олиб борган ва ўз шогирдларига бу илмдан таҳсил берган. Абу Ҳанифа бу борада бир қанча асарлар ёзган бўлиб, бунга “ал-Фикҳу ал-акбар” ва “Китобул-олим вал-мутааллим”ни мисол қилиб келтириш мумкин. Германиялик тадқиқотчи У.Рудольф “ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти” асарида ўзи олиб борган тадқиқотларга асосланиб, шу пайтгача Абу Ҳанифа қаламига мансуб деб кўрилган, ҳанафийлик бўйича муҳим манба ҳисобланган “Китобул-олим вал-мутааллим” асарининг муаллифи аслида Абу Муқотил Самарқандий, деган хулосага келади.

Илоҳиёт масалаларига бағишланган навбатдаги ўн бир масалада Аллоҳнинг бирлиги, Унинг шериги йўқлиги, Аллоҳ ҳеч нарсага ва ҳеч нарса Аллоҳга ўхшамаслиги, Аллоҳ учун жиҳат белгиланмаслиги, Аллоҳ эшитувчи, кўрувчи зот экани, Аллоҳ таолонинг сифатлари, Аллоҳнинг хоҳлаши ва ўзининг зотида қоим бўлган машиат билан ирода қилувчи эканлиги, ҳар бир пайдо бўлувчи жисм ва феъллар Аллоҳнинг хоҳиши билан пайдо бўлиши, Аллоҳ таоло калом ила қадим зот экани, ижод ва таквин, Аллоҳ таолони кўриш, исм, тасмия ва мусаммо каби мавзуларда сўз боради.

Аҳли сунна вал-жамоа Аллоҳ таолонинг ҳаққида зулм, ёлғон ва ваъдага хилоф қилиш кабиларни мумкин бўлмаган ишлар деб ҳисоблайди. Бу Муътазила фирқасининг наздида ҳам жоиз бўлмайди. Лекин вайдга хилоф қилиш масаласига келсак, бу хилоф қилиш эмас, балки бунининг Аллоҳнинг фазл ва қарами деб айтиш мумкин. Зеро, Аллоҳ таоло вайдида содиқ деб эмас, балки У ваъдасида содиқдир дейилади. Бу мажоз бўлиб, кизб (ёлғон) ва сидқ (ростгўйлик) ўтган нарсаларда бўлади.

Аллоҳнинг ягона эканлиги борасидаги масалада ҳам, мотуридия таълимотининг акс этишини кузатиш мумкин. Мотуридий Самарқандда Моний таълимоти тарафдорларининг дуалистик қарашларига қарши калом баҳсларида Аллоҳнинг борлиги ва бирлигини билишнинг уч йўлига суянади. Булар: энг аввало, нақллар, хабарлар ундан сўнг мантикий мулоҳазалар (далолат ал-ақл) ва ниҳоят ҳиссий органлар қабул қилган таассурот, олимнинг ўзи айтганидек яратилганлардан таъсирланишнинг далолати (далолат ал-истидлол бил-халқ) каби нарсалардир. Мотуридий Аллоҳнинг ягоналигини тушунтиришда нақл ва тафаккурнинг муҳимлигини куйидагича исботлайди:

1. Нақлларда собитки, фақат ягона Аллоҳ ваҳий орқали ўзини ошкор этган. Бошқа илоҳ борлигини исбот қилган ва ундан хабар келтирган бирорта пайғамбар ҳам, бирор-бир далил-аломат ҳам йўқ.

2. Агар бошқа илоҳ бўлганда эди, ўзининг ягоналигини эълон қилган Аллоҳга қарши кўзгалган бўлар эди ва ваҳдат ҳақидаги ваҳийнинг юборилишига тўсқинлик қилган бўлар эди. Бу нарсанинг содир бўлмагани Яратувчи фақат битта эканлигини исботлайди.

3. Бизнинг тасаввуримизга Яратувчи иккита фараз сиғмайди, чунки агар икки илоҳ мавжуд деб тасаввур қилинганда, бири иккинчисининг ижодини ўзлаштириши ёки бекитиши табиий ҳол бўлар эди.

4. Оламни кўплаб хилма-хил ва бир-бирига қарама-қарши таъсир кўрсатувчи нарсалар ташкил этади. Уларнинг уйғун ҳолда фаолият кўрсатиши ягона Худонинг иродасини кўрсатиб туради.

5. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, оламдаги барча жараёнлар (фасллар алмашинуви, куёш, ой ва юлдузлар ҳаракати) ягона тартиб-интизом (тадбир) асосида амалга ошади. Бундай ягона марказлашган тартиб фақат бир раҳбар етакчилигида ўрнатилиши мумкин.

6. Мотуридий келтирган далиллардан куйидаги икки асосий хулосани ажратиб олиш мумкин:

1. Олим “тадбир” таълимотини, яъни олам илоҳий бошқарув ва олдиндан ўйлаб қилинган режа асосида ривожланиши ғоясини ўртага ташламоқда. Аллоҳнинг ишлари (афъол) тартибли ва олий даражада мақсадга йўналтирилган. Демак, бу ишларнинг бошида рақобатлашувчи илоҳлар эмас, биргина Аллоҳ туради ва У ягонадир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Мовароуннаҳр ўлкаларида яшаб ижод қилган барча олимлар, соф исломий эътиқодни шакллантириш борасида ўзларининг илмий-амалий ҳиссаларини кўшиб келганлар. Эътиқод мусаффолиги йўлида амалга оширилган ишларнинг энг самаралиси сифатида калом илми борасида таълиф этилган асарларни кўрсатиш мумкин.

Мавжуд сиёсий вазиятнинг танглигига қарамай, аллома Паздавий илоҳиёт соҳасидаги мўътабар асари “Усул ад-дин” китобини таълиф қилади. Алломанинг таъбири билан айтганда асар ҳақиқатда аҳли сунна вал-жамоанинг эътиқодий қарашларини тўлақонли равишда акс эттира олган. Мазкур асар “Китоб ат-тавҳид”дан фарқли ўлароқ масалалар баёнида такрорлашларни қабул қилмаган ва баъзи масалалар ўта ихчам тарзда баён қилинган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Қуръони Карим.
2. Абул Юср Паздавий. Усул ад-дин. – Қоҳира: Дор ихё-л-кутуб-л-арабия, 1963. – 648 б.
3. Ибн Манзур. Лисон ал-араб. – Байрут. Дор Содир нашриёти, 1996. 15 жилд. – 622 б.
4. О.Носиров, М.Юсупов. Ан-наим (арабча-ўзбекча луғат). – Тошкент. Абдулла Қодирий номидаги халқ нашриёти, 2003. – 714 б.
5. У.Алимов. IX-XI асрларда Самарқандда калом илмининг ривожланиши. – Тошкент: Мовароуннаҳр нашриёти, 2008. – 351 б.
6. Ульрих Рудольф. Ал-Мотурудий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Тошкент: Имом Бухорий халқаро жамғармаси-ўзбекча нашр ҳукуки, 2001. – 251 б.